

**Мактабгача таълим  
ташкilotларида “Тарбия”  
дастури**

## Кириш

Мамлакатимиз тараққиётини янада кучли қуришда энг муҳим омил сифатида эртанги кун эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг таълим-тарбиясига янада масъулият билан қараш, мустаҳкам пойдевор яратилишига асос бўлади.

Бугунги кунда Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан ана шу мустаҳкам пойдевор яратилишига кенг имкониятлар очиб берилгани барчамизнинг қалбимизга қувонч ва ғурур бахш этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз Маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 1059-сон қарори қабул қилинди. Концепциянинг мақсади — ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборат. “Тарбия” дастури мактабгача ёшдаги болаларимизда меҳнатсеварлик, тўғрисузлик, ростгўйлик, камтарлик, ўз туғишганларига, қариндош-уруғларига, яқин дўстларига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, уйда ўзини тутиш, ота-онасини айтганига қулоқ солиш, ака-укаларига ғамхўрлик кўрсатиш, тўғрисуз бўлиш, меҳнат қилиш, илм олишга қизиқиш, бўш вақтини бекор ўтказмаслик, тозалikka риоя қилиш, катталар олдида одоб сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган.

Мактабгача ёшдаги болаларга “Тарбия” дастури нутқ ўстириш, атроф-олам ва табиат билан таништириш, бадий адабиёт, таълимий фаолият мавзуларига сингдирилиб, интеграцион тарзда олиб борилади.

### **Мактабга тайёрлов гуруҳида “Тарбия” таълимий фаолияти учун дастур**

мактабгача ёшдаги болаларга “Ассалому алайкум” сўзи – “Сизга тинчлик, саломатлик тилайман, деган маънони англатишини, “Ваалайкум ассалом” - “Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман” деган маънони англатиши ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларда туғилиб ўсган жойларига, ўз шаҳар ва қишлоқларига, она Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш;

кўчани, атроф-муҳитни озода сақлаш каби одоблар ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларга ота-она энг қадрли инсон эканлигини тушунтириш: ота-она биз учун энг азиз, энг яқин кишилар. Улар фарзандни дунёга келтирадилар, умр бўйи фарзанд деб яшайдилар. Шундай экан, ҳар бир бола ўз ота-онасини ҳурматини жойига қўйиши, уларнинг кўнгилини оғритмаслиги керак. Улар чақирганда “Лаббай”, “Хўп бўлади” дейиш, уларга салом беришни қанда қилмаслик, насихатларига қулоқ солиш, уларни ҳурмат қилиш;

оила муқаддас жамоа эканлиги, оилада оила аъзоларининг аҳил яшашлари, оиланинг катталари бува-буви, ота-она эканлиги. Оилада ота-она, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларга тозалик - бу саломатлик билан боғлиқ масала эканлиги ҳақида тушунча бериш. Саломатликнинг бош мезони тозалик, озода юриш эканлиги, эрталаб уйқудан турганда юз-қўлларни ювиш, кейин сочикқа артиш, уйқу олтидан тишларни тозалаш, қўл-оёқларни ювиш, сочик ва даструёмолдан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунча бериш. Мактабгача ёшдаги болаларга қўл ювиш, тишларни ювиш қоидаларини ўргатиш;

кийиниш одоби ҳақида ҳам тушунча бериш. Кийимларни озода сақлаш ва кийиш, уларни саранжом-сарипта сақлаш. Кийимларни мустақил ҳолда тартибли, ораста кийиб-ечиш, тугмасини тақиш, боғичларини боғлаш, оёқ кийимларни тоза ҳолатда жуфтлаб, ўз жойига олиб қўйиш, уларни оёқ кийим жавонида сақлаш, ўзидаги тартибсизлик, пала-партиш кийинишни сезиб, уни катталар ёрдамида бартараф этиш;

мактабгача ёшдаги болаларга овқатланиш одоби, тартибига риоя қилиш, овқатланишдан олдин қўлларни тозалаб ювиш, ифлос қўллар билан овқатланмаслик ҳақида тушунча бериш. Мактабгача ёшдаги болаларга дастурхон одоби ҳақида маълумот бериш;

мактабгача ёшдаги болаларга инсон одобини, хулқ-атворини қўз-қўз қиладиган хушмуомалалик, ширинсўз бўлиш ҳақида тил, сўзлашиш қоидаси ҳақида тушунча бериш;

дўстлик тушунчаси ҳақида тушунча бериш. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳамжихатлиги, дўстона муносабатлари ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларни ростгўй ва камтар бўлишга чақириш;

мактабгача ёшдаги болаларга ёлғончилик ёмон одат эканлиги, ёлғон гап инсонлар дилини ранжитиши, инсонлар ўртасида ишонч йўқолиши, ёлғончи деган номни олиши ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларни ота-онасига, ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш, дангасалик, қўполлик ёмон иллат эканлиги ҳақида тушунча бериш;

тежамкорлик - бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни қадрлаш, ҳар бир нарсани ўз меъёрида ишлата билиш, тежаш, мақсадли фойдаланиш эканлиги ҳақида тушунча бериш;

мактабгача ёшдаги болаларга уй ҳайвонларини асраш ва авайлаш, ғамхўрлик қилиш ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлиги ҳақида тушунча бериш;

воқеабанд-ижроли ўйинларни тўғри ўйнашда мактабгача ёшдаги болаларга тўғри йўл кўрсатиш, улар орқали мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларни тарбиялаш. Воқеабанд ўйинлар орқали ҳалқимизнинг энг яхши урф-одатлари: меҳмон кутиб олиш, уларга қандай муносабатда бўлиш, бунда катталар ва кичикларнинг вазифалари, меҳмонлар олдида

Ўзини тута билиш ва меҳмон кутиш жараёнидаги меҳнат намуналарини шакллантириш.

## **Мактабга тайёрлов гуруҳида “Тарбия” таълимий фаолияти учун суҳбат мавзулари ва уларнинг мазмунига шарҳ**

### **Менинг қадрдон Ўзбекистоним**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг туғилиб ўсган Она-Ватани, шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, халқи, урф-одатлари, тарихий жойлари ҳақида илк тушунчалар бериш.

Ўзбекистон Республикаси рамзлари: байроқ, герб, мадҳия билан таништириш ва уларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш ҳамда давлат рамзларининг мазмун-моҳиятини англаш ва ҳурмат билан қараш зарурлиги ҳақида тушунчалар бериш.

### **Менинг шаҳрим - менинг маҳаллам**

Мактабгача ёшдаги болаларга туғилиб ўсган она шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, тарихий жойлари ҳақида илк тушунчаларни бериш.

Уй манзилини тўлиқ айтишга ўргатиш. Шаҳридаги, худудидаги тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар ҳақида тушунча бериш. Мактабгача ёшдаги болаларда она шаҳрига нисбатан меҳр туйғусини ривожлантириш ва она шаҳри ҳақидаги фикрларини нутқда ифода қилиш малакасини такомиллаштириш.

### **Мен ва менинг оилам**

Оила тушунчасига изоҳ. Оила муқаддас жамоа эканлиги, оилада катта-кичикнинг аҳил яшашлари, оиланинг катталари бува-буви, ота-она эканлиги. Оилада ота-она, ака-ука, опа-сингилларнинг бўлиши. Аҳил оилаларни расмлар орқали изоҳлаш. Оилада мактабгача ёшдаги болаларнинг яшаш тарзи, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга ғамхўр бўлиш. Оилада ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ёрдам оила бахтининг асоси эканини уқтириш. Оила аъзолари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, қон-қариндошга бўлган ҳурмат хиссини тарбиялаш.

### **Мен ва менинг дўстларим**

Мактабгача ёшдаги болаларга “Ўртоқлик” тушунчасига изоҳ бериш. Мактабгача ёшдаги болалар билан аҳил бўлиб ўйнаш, ўзаро ёрдам бериш ва кўмаклашиш - бу ўртоқлик эканлиги. Мактабгача ёшдаги болалар ҳамжиҳат бўлиб ўйнаётган ёки меҳнат қилаётган ҳолатини расмлар орқали изоҳлаш. Мактабгача ёшдаги болаларнинг бир-бирига меҳрибон, аҳил, ғамхўр бўлишларини тушунтириш. Ўртоқлари билан ёнма-ён ўйнай олиши, ўйинчоқларини бошқа Мактабгача ёшдаги болалар билан ўртоқлашиши, тенгдошларининг кайфиятини, хурсанд ёки ҳафа эканлигини англаш ва

уларга тўғри муомала қилиш. “Хафа бўлма, мен сенга ёрдам бераман” каби гапларни айтишга ўргатиш. Меҳнат фаолиятида ўртоғига ёрдам бериш, ўртоғининг ютуқларидан қувониш, бошқаларнинг меҳнати натижаларига хурмат билан қараш каби эзгу хислатларни шакллантириш. Мавзуга мос ҳикоя ва ривоятлар ўқиб бериш.

### **Соғ танда – соғлом ақл**

Мактабгача ёшдаги болаларга тозалик - бу саломатлик эканлигини тушунтириш. Саломатликнинг бош мезони тоза, озода юриш, эрталаб уйқудан турганда юз-қўлларни ювиш, кейин сочиққа артиш. Ётиш олдидан тишларни тозалаш, қўл-оёқларни ювиш, сочиқ ва даструьмолдан тўғри фойдаланишни тушунтириш. Мактабгача ёшдаги болаларга қўл ювиш, тиш ювиш қоидаларини тушунтириш. Қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлашга одатлантириш. Саломатлик ҳақида алломалар ўғитлари ва ривоятларидан ўқиб бериш.

### **Ватан ҳимоячилари куни**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг Ўзбекистон ҳарбий кўшинлари ва уларнинг вазифаси, 14-январь ҳарбийларнинг касб байрами эканлиги ҳақида тасаввурларини кенгайтириш. Мактабгача ёшдаги болаларда Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш ҳиссини тарбиялаш.

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳарбий кўшинларга нисбатан қизиқиш уйғотиш орқали ботирлик, жасурлик, ватанпарварлик туйғусини сингдириб бориш.

Мактабгача ёшдаги болаларга тартиб-интизом қоидаларини ўргатишда давом этиб, яхши, ёмон, мумкин эмас деган тушунчаларини бадиий адабиётлар орқали тушунтириб бориш.

### **Мен ва менинг баданим**

Мактабгача ёшдаги болаларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Уларга одамнинг ички аъзолари (юрак, жигар, ошқозон ўпка) ва уларнинг жойлашуви, вазифалари ҳақида (инсон ўпка орқали нафас олади, ҳаво қанчалик тоза бўлса, ўпка шунчалик яхши ишлайди. Юрак инсон ҳаёти учун энг керакли аъзолардан ҳисобланади. У ишлаётганини билдириб доим “дук-дук” уриб туради. Жигар қонни тозалайди. Биз истемол қилаётган овқат ошқозонга тушиб, ҳазм бўлиши ҳақида) маълумот бериш. Бу аъзолар тананинг қаерида жойлашганини кўрсатиш ва номини айтишга ўргатиш.

Боланинг соғлом ҳаёт кечириши (озодаликка ва кун тартибига риоя қилиш, жисмоний машқлар бажариб, танани чиниқтириш ва соғлом овқатланиш) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

## **Хушмуомалалик алифбоси**

Инсон одобини, хулқ-атворини кўз-кўз қиладиган тил хусусида, сўзлаш қондаси ҳақида тушунча бериш. Мактабгача ёшдаги болаларни ширинсўз бўлишга даъват этиш. Аввало ширинсўзлик нима эканини тушунтириш. Ширинсўзлик - бу кишининг дилини яйратадиган, кўнглини кўтарадиган қилиб сўзлаш. Оғиздан доимо яхши сўз чиқишга ҳаракат қилиш. Аввал ўйла, кейин сўйла. Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилиши. Мавзу бўйича Абу Али Ибн Синонинг сўзларидан келтириш. Мавзуга боғлиқ ҳикоя ўқиб бериш.

## **Ўзбекистоннинг буюк алломалари**

Мактабгача ёшдаги болаларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ҳамда ижоди билан таништиришни давом эттириш. Ёш авлодни она-Ватанга, ота-боболар мероси ва панд-насихатларига садоқат руҳида тарбиялаш.

Улуғ алломалар: Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, улуғ саркардалар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги илк тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Мактабгача ёшдаги болаларни ота-боболаримизни танишга, улардан фахрланишга даъват этиш.

## **Одоб саломлашишдан бошланади**

Мактабгача ёшдаги болаларга “Ассалому алайкум” - сенга саломатлик тилайман, деган маънони англатса “Ваалайкум ассалом” – “Сизга ҳам саломатлик тилайман” эканлигини тушунтириш. Ўзбекона миллий саломлашишнинг ўзига хослиги: табассум, очиқ чеҳра, самимий меҳр билан бир-бирига боқиш, “Ассалому алайкум” деб саломлашганда очиқ чеҳралик ва табассум билан салом берувчи, алик олувчиларнинг товушлари бир-бирларига эшитарли бўлиши кераклиги, агар бир кишига икки киши бир вақтда салом берсалар, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида жавоб қайтариши лозимлигини тушунтириш. Салом-аликнинг моҳиятини чуқур тушуниб етишга, қадрига ета олиш, тўғри саломлашишга ўргатиш. “Ассалому алайкум” ибораси ҳақидаги ҳикоясидан ўқиб бериш.

## **Мактабгача ёшдаги болаларга хос фазилатлар**

Мактабгача ёшдаги болаларни ота-онасига, ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш. Дангасалик ёмон иллат эканлиги ҳақида тушунча бериш.

Мактабгача ёшдаги болаларни саранжом-саришта бўлишга ўргатиш: ўйинчоқлар, китоблардан ва меҳнат куролларида эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, буюмларни асраш, ардоқлаш кераклигини тушунтириш.

Мактабгача ёшдаги болаларда буюмларга нисбатан онгли муносабатни тарбиялаш. Мавзу бўйича ҳикоя ва ривоят ўқиб, уни шарҳлаш.

### **Ўз-ўзингга хизмат қилишни ўрган**

Мактабгача ёшдаги болаларга ҳар кимнинг ўз хизмати борлиги, уларга ўзларидан катталарга иш буюрмаслик кераклигини тишунтириш. Мактабгача ёшдаги болаларга ўзини парваришлаш кўникмаларини шакллантириш: мустақил ювиниш, тозалikka риоя қилиш, озодаликка ва тартибга одатлантириш, ташқи кўринишдаги камчиликни ўз вақтида бартараф қилиш, ўз-ўзига хизмат қилиш жараёнида болада уюшқоқликни ва мақсадга қаратилганликни, маданий ахлоқ кўникмаларини шакллантириш.

Мактабгача ёшдаги болаларда мустақил равишда хонасини йиғиштириш ва ўйинчоқларини ўз жойига териб қўйиш, ўрин-жойларини йиғиштириш, кўрпа-ёстикларнинг жилдини кийдириш, чойшабларни текислаб чиқиш, уларни алмаштиришда катталарга ёрдам бериш, шахсий буюмларини тоза сақлаш кўникмасини мустаҳкамлаш.

### **Қуш ва жонзотларга ғамхўрлик**

Мактабгача ёшдаги болаларга уй ҳайвонлари мушук, кучук, сигир, қўй, эчки, қуён, қушлардан мусича, чумчуқ ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳамда жонзотларни асраш ва авайлаш ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлигини тушунтириш. Уларни парвариш қилиш, очликдан қутқариш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини тушунтириш. Ў.Умарбековнинг “Меҳр” ҳикоясини ўқиб бериш.